

# ПРОКУРОР ВА ЁШЛАР ҚАБУЛИ БЎЛИБ ЎТДИ



Қумқўрғон тумани прокурори, 2-сектор раҳбари Ш.Акрамов томонидан туманнинг “Арслонбойли” маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар қабули ҳамда арзонлаштирилган кўчма савдо ярмаркаси ўтказилди.

Мазкур қабулларда 20 нафардан ортиқ ёшлар ва 30 га яқин фуқаролар иштирок этишди. Учрашувда фуқаролар ва ёшлардан келиб тушган 15та мурожаатларни ижобий ҳал этиш учун масъул ташкилотларга топшириқлар берилди.

Ушбу мурожаатларнинг ижроси туман прокурори томонидан қатъий назоратга олинди.